

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Тилавов Шерали Қудратиллоевич

ТДИУ магистранти

akasherali@mail.ru

Холияров Фарҳод Тошмурадович

ТДИУ, “Рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологиялари” кафедраси асистенти

Аннотация

Янги Ўзбекистонни бунёд этишдаги асосий вазифалардан бири замон билан ҳамнафас қадам ташлаши, глобал трендларни маҳаллий шароитга муваффақиятли жорий этиши билан белгиланаади. Бу жиҳатдан юртимизда ахборот технологиялари, ИТ соҳасини ривожлантириши, уларни давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларига кенг ва чуқур олиб кириши долзарб аҳамиятга эгадир.

Калимли сўзлар

рақамли технологиялар, рақамли иқтисодиёт, электрон университет, электрон таълим, HEMIS.

Кириш

Мамлакатимизда давлат раҳбарининг бевосита ташаббуси ва жиддий эътибори туфайли бу соҳада ҳам қатор ислоҳотлар ўтказилмоқда. Хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 29 июль куни Юқори Чирчиқ туманидаги “Astrum” ИТ академиясида ахборот технологиялари соҳаси мутахассислари ва ёшлар билан учрашувида таъкидлаганидек, дунёда ахборот технологиялари шиддат билан ривожланмоқда [1]. Жаҳонда унинг ўсиш суръатлари йилига 10 фоизни ташкил этиб, бу йил жами 4 триллион 300 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Ушбу бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаш учун мамлакатимизда катта ишлар бошланган. Сўнгги беш йилда соҳага 2 миллиард доллар, шу жумладан 700 миллион доллар тўғридан-тўғри инвестициялар йўналтирилган.

Адабиётлар таҳлили ва методлар

“Келгуси беш йилда мамлакатимизда ахборот технологиялари хизматлари экспортини 1 миллиард долларга етказишни режа қилганмиз. Агар ёшларни бу касбга ўқитишни тўғри йўлга қўйсан, уларни сифатли инфратузилма, компьютер ва кафолатли буюртма билан таъминласақ, бу мэррага бемалол эришамиз”, – деди Шавкат Мирзиёев. Давлатимиз раҳбари бунинг учун ҳал этиш лозим бўлган масалалар қаторида барча соҳаларда рақамлаштиришни биринчи навбатдаги вазифалар қаторига олиб чиқиш кераклигини таъкидлади. Айниқса, юртбошимизнинг олий таълим муасссаларини рақамлаштиришни биринчи навбатдаги вазифалар қаторига олиб чиқиш ҳақидаги фикрлари бизни айни соҳада янада кўпроқ ишлашга, янги ғояларни илгари суришга undайди.

Натижалар

Ўзбекистонда “Рақамли иқтисодиёт” миллий тараққиётимизнинг асосий драйвери сифатида белгилаб олингани ҳеч кимга сир эмас, бу борада, барча соҳа ва ҳудудларда “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга оширишга киришилганини алоҳида қайд этиш лозим [2].

Қандай соҳа бўлишидан қатъий назар унинг истиқболи ва ривожланишини замонавий технологияларсиз тасаввур этиш жуда мушкул. Ёшлиарнинг илмий ва ижодий салоҳиятини ошириши, уларнинг ўз интеллектуал билимини намоён қилиши, аналитик фикрлаши,

иқтидори, ва ижтимоий мослашуви учун зарур шароитлар яратиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Таъкидлаш керак, дунё мамлакатлари тажрибасида илмий тадқиқотлар, ИТ технологиялар, стартап ғоялар, компьютер саводхонлигига жуда катта эътибор берилади. Биз ҳам илм-фан ютуқлари ва янги технологиялар орқали иқтисодий ўсишга эришамиз.

Жумладан, Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ўкув жараёнини назорат қилишнинг электрон шаклига ўтиш бўйича комплекс ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда биринчилардан бўлиб электрон таълим тизимини амалда қўллаган ОТМлардан бири айнан Тошкент давлат иқтисодиёт университети саналади [3,4,5]. Кейинги йилларда эса бундай ишлар тизими анча ривожланди ва қулай платформага айланди. Эндиликда HEMIS (Higher Education Management Information Systems) тизими республикамиздаги барча ОТМларга боскичма-боскич жорий килинмоқда [6]. Бу тизим талаба учун ҳам таълим берувчи учун ҳам бирдек қулай булиб, ахборот тизимидан қулай жой ва вақтда фойдаланиш имконияти тақдим этилган. Яна бир жиҳати баҳолаш жараёнларининг шаффоғлигини таъминлашидадир. У таълим жараённида олий таълим муассасаларидан олинадиган турли ҳисобот ва маълумотлар сонини кескин камайтириш, уларни тайёрлашнинг қоғоз шаклидан воз кечиш, бошқарув тизимини рақамлаштиришга имкон яратиб келмоқда.

Муҳокама

HEMIS бу электрон ҳукумат концепциясига кўра Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан такомиллаштирилаётган смарт-университет лойиҳасидир. Бу тизим Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ишчи гурӯҳи саъӣ-ҳаракати билан республикамизнинг барча ОТМларида жорий этилмоқда. HEMIS – электрон университетнинг муҳим компоненти сифатида кредит-модул тизими билан интеграция қилинган [7]. Дастур ўз ичига электрон дарс жадвали, баҳолаш тизими, академ гурӯҳларни назорат қилиш имконияти ва ҳужжат алмашишдаги қулайликларни жамлаган. Бу эса иш самарадорлигининг ошишига ва ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олишга ёрдам беради. Энг асосийси дастурнинг функционал имкониятлари йилдан йилга такомиллашиб боради.

Университет жамоаси олдидаги устувор вазифаларни бажаришда замон билан ҳамнафас бўлиш, информацион технологиялар имкониятларидан унумли ва самарали фойдаланиб, катта натижаларга эришиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ушбу йўналишда олиб борилаётган ишлар механизми Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 30 июндаги ПФ-5099-сон Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ-4024-сон “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, “Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 майдаги 288-сон қарори асосида шакллантирилган [8].

Хуноса

Амалга оширилган ва оширилаётган ишлар ҳам кўрсатиб турибдики, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши, янги дастурй воситалар таълим муассасалари салоҳиятининг юксалишига асос бўлмоқда. Демак, бу жараёнда ИТ-хизматларининг аҳамияти ортиб бораверади, янгидан-янги технологияларни татбиқ этиш янада изчил изланишни ва доимо бир қадам олдинда юришни талаб этаверади. Тез ривожланаётган соҳаларда катта давлатлар билан ҳамқадам бўлиш, улардан ғоялар, технологиилар ва ноу-хау импорт қилиш, ўз навбатида ёшларни жаҳон меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар сифатида тайёрлаш ҳар бир ОТМ олдидаги устувор вазифадир. Янги Ўзбекистон тараккӣётининг янги босқичига чиқишида олий таълим тизимини ривожлантириш, у оркали жамият ва иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият олиб борадиган кадрларни тайёрлаш ва сафарбар қилиш, талаб юқори бўлган ИТ соҳасини илм-фан тармоқлари билан интеграцияси жараёнини жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш

буғунги кун талаби. Мазкур лойиҳа ва саъй-ҳаракатларнинг бари мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсиш, бу орқали ахоли фаровонлигига эришишни таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 05.10.2020 йилдаги ПФ-6079-сон. «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида. <https://lex.uz/docs/5030957>
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 07.05.2021 йилдаги 288-сон. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида. <https://lex.uz/docs/5413100>
3. Элов Б.Б. Электрон ўқитиш тизимини ташкил этиш воситалари обзори ва уларнинг ривожланиш истиқболлари. ЎзМУ хабарлари. - Тошкент, 2016, - № 2/1. 164-189 б.
4. Элов Б.Б., Юсупова Д. Схемы бизнес-процессов системы управления обучением. Ўзбекистон Информатика ва энергетика муммомлари журнали. Ўзбекистон Журнали. - Тошкент, 2020, - № 1. 82-88 б.
5. Mirzayev.A.O. Mamlakatimiz ta’lim tizimida raqamlashtirish va raqamli dunyoda o‘qitish va o‘rganishning mavjud imkoniyatlari. Academic Research in Educational Sciences. VOLUME 2 | ISSUE 12 | 2021 DOI: 10.24412/2181-1385-2021-12-1046-1051. 1046-1051 p.
6. Ўринов Б., Султонов М., Умаров А. Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотларида ECTS кредит-модуль тизими: асосий тушунча ва коидалар [Матн] / В.Уринов, М.Султонов, А.Умаров. - Т.: «Маънавият», 2020. - 96 бет.
7. Хашимходжаев Ш.И. Влияние цифровой трансформации на экономические процессы в Республике Узбекистан. Сборник статей по итогам XIV международной научно-практической конференции «Современный менеджмент: проблемы и перспективы». Изд-во Санкт – Петербургского государственного экономического университета. 2019, С.505-509.
8. <https://xs.uz/uzkr/post/prezident-it-mutakhassislar-bilan-muloqot-qildi>

